

Ўзбекистон Республикаси  
Монополияга қарши курашиш  
қўмитасининг 2019 йил 5 декабрдаги  
N1138/02-11 -сонли хатига илова

**Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича  
ХУЛОСА № 410**

**I. Умумий маълумотлар**

Хулоса Адлия вазирлигида 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида тайёрланди.

**1. Лойиҳани тақдим этувчи орган номи:**

Тошкент шаҳар ҳокимлиги.

**2. Лойиҳанинг номи ва тури:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент шаҳридаги давлат мулки объектларидан самарали фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси.

**3. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун асос:**

Ташаббускорлик асосида тайёрланган.

**4. Лойиҳанинг қисқача мазмуни:**

Объектларни хусусийлаштириш тўғрисида

**II. Тадбиркорлик субъектларининг асосий гуруҳлари бошқа масъул шахслар ҳамда таклиф этилаётган ҳужжатда давлат органларининг манфаатларига доир масалалар тартибга солинадиган маълумотлар**

**5. Ҳужжат билан манфаатлари назарда тутилаётган гуруҳ иштирокчиларининг таснифи:**

тадбиркорлик субъектлари гуруҳлари – қарор иловасида кўрсатилган хўжалик юритувчи субъектлар;

давлат органлари гуруҳи – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги;

бошқа иштирокчилар гуруҳи муносабатлари – “Авиасозлар деҳқон бозори” АЖ, “Аския деҳқон бозори” АЖ, “Чилонзор деҳқон бозори” МЧЖ, “Миробод деҳқон бозори” АЖ, “Наврўз деҳқон бозори” АЖ, “Сирғали деҳқон бозори” АЖ, “Фарход деҳқон бозори” АЖ, “Эски-Жува деҳқон бозори” АЖ, “Юнусобод деҳқон бозори” АЖ, “Қора-камиш деҳқон бозори” МЧЖ, “Қўйлик деҳқон бозори”, “Ўрикзор савдо комплекси” МЧЖ.

**6. Янги ёки амалдаги функцияларга киритилаётган ўзгартиришлар, ваколатлар, мажбуриятлар, имтиёзлар, преференциялар, давлат**

**органлари ҳуқуқлари ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида, шунингдек, киритилаётган чекловлар бўйича ҳамда бошқа маълумотлар:**

6.1. Қарор лойиҳасининг 1-банди иккинчи хатбошисида “Тошкент шаҳридаги 11 та деҳқон бозорлари ва “Ўрикзор савдо комплекси” масъулияти чекланган жамиятининг мазкур қарорнинг 1-иловасидаги рўйхатга мувофиқ самарасиз ётган филиал ва шаҳобчалари бино-иншоотларини (кейинги ўринларда - объектлар) Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Муниципал активларни бошқариш марказига бепул бериш”;

иккинчи хатбошида “объектларни берилиши ҳисобига хўжалик юритувчи субъектлар устав фондидаги давлат улушини ушбу объектларнинг баланс қолдиқ қиймати суммасига 51,0 фоиздан кам бўлмаган миқдоргача камайтириш” кўрсатилган.

6.2. Қарор лойиҳасининг 4-банди учинчи хатбошисида “Тошкент шаҳридаги маҳаллалар ҳудудида ўтказилган ялпи хатлов натижасида аниқланган бўш турган, маҳалла идораларининг фаолияти учун фойдаланмасдан турган бино-иншоотларни Тошкент шаҳар ҳокимлиги балансига олиш ҳамда уларни тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулкдорларга тегишли объектларнинг олиниши муносабати билан етказилган зарарлар ўрнини қоплаш мақсадида компенсация сифатида бериш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколати берилиши” кўрсатилган.

6.3. Мазкур Қарор лойиҳасининг 2-иловасида кўрсатилган объектларни аниқ (қарор иловасида кўрсатилган) тадбиркорлик субъектларига сотиш назарда тутилмоқда.

### **III. Рақобатга таъсирнинг таҳлили**

#### **7. Ҳужжатни қабул қилинишининг оқибатлари прогнози**

7.1. Қарор лойиҳасининг 1-банди иккинчи хатбошисида “Тошкент шаҳридаги 11 та деҳқон бозорлари ва “Ўрикзор савдо комплекси” масъулияти чекланган жамиятининг мазкур қарорнинг 1-иловасидаги рўйхатга мувофиқ самарасиз ётган филиал ва шаҳобчалари бино-иншоотларини Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Муниципал активларни бошқариш марказига бепул бериш”;

иккинчи хатбошида “объектларни берилиши ҳисобига хўжалик юритувчи субъектлар устав фондидаги давлат улушини ушбу объектларнинг баланс қолдиқ қиймати суммасига 51,0 фоиздан кам бўлмаган миқдоргача камайтириш” кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига асосан акциядорлик жамиятларини мол-мулкларини тасарруф этиш уларнинг қийматидан келиб чиқиб, жамият бошқарув органлари ваколатига киради.

Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган жамиятлар ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонунига кўра жамиятнинг мол-мулкларини тасарруф этиш таъсисчиларнинг умумий йиғилиши қарор билан амалга оширилади.

Шу билан биргаликда, Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасига асосан Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятига оқибатда рақобат чекланиши мумкин бўлган тарзда араланиши, айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шартлар (шароитлар) белгилаши тақиқланади.

Ушбулардан келиб чиқиб, акциядорлик жамиятлари ва масъулияти чекланган жамиятларга тегишли бўлган мол-мулкларни ҳокимлик тасарруфига олиниши уларнинг жамиятларнинг бошқарув органлар қарорлари асосида қонун талаблари асосида амалга оширилиши лозим.

7.2. Қарор лойиҳасининг 4-банди учинчи хатбошисида “Тошкент шаҳридаги маҳаллалар худудида ўтказилган ялпи хатлов натижасида аниқланган **бўш турган**, маҳалла идораларининг фаолияти учун фойдаланмасдан турган бино-иншоотларни Тошкент шаҳар ҳокимлиги балансига олиш ҳамда уларни тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулкдорларга тегишли объектларнинг олиниши муносабати билан етказилган зарарлар ўрнини қоплаш мақсадида компенсация сифатида бериш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколати берилиши” кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 ноябрдаги ПҚ-4525-сонли “Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан барча даражадаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси ҳамда “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун талабларига сўзсиз риоя қилишлари шартлиги ҳақида қатъий огоҳлантирилиши кўрсатилган.

Шунингдек, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижаларини, шу жумладан объектларнинг қийматини баҳолаш натижаларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш масалалари юзасидан давлат органлари, шу жумладан назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар томонидан ташаббус билан чиқиш хусусий мулкнинг дахлсизлигини бузиш сифатида баҳоланиши ҳамда бундай ишлар кўриб чиқиш учун қабул қилинмаслиги белгиланган.

Ушбуларни инобатга олиб, қарор лойиҳасининг мазкур бандини чиқариб ташлаш лозим.

7.3. Мазкур Қарор лойиҳасининг 2-иловасида кўрсатилган объектларни аниқ (қарор иловасида кўрсатилган) тадбиркорлик субъектларига сотиш назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасига асосан Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг шартномалар тузишда устунлик бериш, сотиб олувчиларнинг муайян доирасига товарларни биринчи навбатда реализация қилиш, молиявий маблағларнинг манбаларини танлаш ва улардан фойдаланиш

йўналишларининг афзаллиги тўғрисида хўжалик юритувчи субъектга кўрсатмалар бериши, айрим хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асоссиз равишда бериши, айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шартлар (шароитлар) белгилаши тақиқланади.

Ушбуларни инобатга олиб қарор лойиҳасининг 2-иловасидан объектларни сотиш кўзда тутилаётган “тадбиркорлик субъектлари номи” устунини тўлиқ **чиқариб ташлаш** ва объектларни оммавий савдоларда тенг рақобат шароитида сотиш таклиф этилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 январдаги ПФ-4933-сонли фармонида мувофиқ, давлат мулки бўлган стратегик аҳамиятга эга бўлмаган объектларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокими қарорларига асосан сотиш ҳуқуқи берилган.


Ушбулардан келиб чиқиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан давлат мулки бўлган объектларни ҳокимликнинг қарори асосан оммавий савдоларда сотилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

#### IV. ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу қарор лойиҳасини Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни талабларига зид эканлигини инобатга олиб, қарор лойиҳасини қабул қилиниши мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисобланади.

Шунингдек, юқорида келтирилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда давлат мулки бўлган объектларни Тошкент шаҳар ҳокимлигининг қарорига мувофиқ ваколати доирасида оммавий савдоларда сотиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Раиснинг биринчи  
ўринбосари



Б. Каримов

